

**Oybek Kh. SOTVOLDIYEV,**  
*Head of the Translations Department*  
*Imam Maturidi International*  
*Scientific Research Center.*  
*11, A.Kadiri, Tashkent,*  
*100011, Uzbekistan.*  
*E-mail:* [oybeksaydali1996@gmail.com](mailto:oybeksaydali1996@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/11

## VIII-IX АСРЛАРДА АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУХИТ

### SOCIO-CULTURAL ENVIRONMENT IN THE ABBASID STATE IN THE VIII-IX CENTURIES

### СОЦИОКУЛЬТУРНАЯ СРЕДА В ГОСУДАРСТВЕ АББАСИДОВ В VIII-IX ВВ.

#### КИРИШ

Юртимизда ислом тарихи ва маданиятини ўрганиш муҳим аҳамият қасб этаётган бир даврида мазкур тарихнинг муҳим қисмларидан бири бўлган аббосийлар даври (750–1258) тарихини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади. Зеро, аббосийлар узоқ вақт давомида мусулмон оламининг катта қисми устидан хукмронлик қилиб келгандар. Аббосийларлар хукмронлигининг илк даврида Мовароуннахр ҳудудлари ҳам ушбу давлат таркибида бўлган. Ўз навбатида, марказий осиёлик олимлар IX асрда аббосийлар давлатида бошланган мусулмон ренессансига катта ҳисса қўшганлар.

Ислом тарихида беш аср давом этган аббосийлар даври бир неча босқичларга бўлиб ўрганилади. Ҳусусан, аббосийлар тарихининг биринчи босқичи – кучли аббосийлар даври (750–861) деб аталади. Бу даврда Абул Аббос Саффоҳ (750–754), Абу Жаъфар Мансур (754–775), Маҳдий (775–785), Ҳодий (785–786), Ҳорун ар-Рашид (786–809), Амин (809–813), Маъмун (813–833), Мўътасим (833–842), Восик (842–847) ва Мутаваккил (847–861) сингари халифалар хукмронлик қилган. Мазкур даврининг муҳим тарихий жиҳати аббосийлар давлатининг тўлиқ шаклланиб, ўз тараққиётининг чўққисига чиққани ҳисобланади. Шу билан бирга, айни даврда аббосийлар давлати таркибидаги баъзи ҳудудлар халифалиқдан ажралиб, мустақил бўлишга эришган.

Аббосийлар давлатининг биринчи халифаси Абул Аббос Саффоҳ даврида нисбатан катта ўзгаришлар бўлмади. 754 йилда унинг ўрнига укаси Мансур таҳтга ўтиради. Янги давлатнинг курилиши айнан Мансур даврида ниҳоясига етди ва у 762 йилда пойтахтни ўзи асос солган Бағдод шаҳрига қўчирди. Мансурдан кейин Маҳдий ва Ҳодий бирин-кетин халифа бўлдилар. Аббосийлар давлати Мансурнинг набираси Ҳорун ар-Рашид даврида ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди. Ҳорун ар-Рашид давлатининг юксалишида асли балхлик бўлган бармакийлар хонадонининг хизмати катта бўлди. Бу оиласдан етишиб чиққан Яхё Бармакий ва унинг икки ўғли аббосийлар давлатида 17 йил вазирлик қилган (Рофиг Саржоний, 2007).

Амин, Маъмун ва Мўътасим давлат бошқарувида Ҳорун ар-Рашиднинг йўлини давом эттирилар. Мўътасимнинг онаси Ҳорун ар-Рашиднинг туркий жорияларидан бири бўлгани сабабли у кейинчалик туркий қабила вакилларидан иборат маҳсус ҳарбий қўшин тузишга эришди. У туркийларни давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларга тайинлади. Ушбу ҳарбий кучнинг Бағдодда жойлашгани кейинчалик баъзи тартиб-сизликларни келтириб чиқарди. Шу боис Самарро номли янги пойтахт шаҳарга асос солинди ва марказий бошқарув ўша ерга қўчирилди. Унинг ўрнига таҳтга ўтирган ўғли Восик даврида туркий зобитлар ҳарбий ишлар билан бир қаторда, бошқарув ишларида ҳам кучли таъсирга эга бўлдилар.

Халифалик ҳудудининг катталиги, марказий бошқарувнинг тобора кучсизланиши, турли ҳудудлардаги маҳаллий амирларнинг ҳокимияти кучайиши туфайли аста-секин аббосийлар давлати таркибидан мустақил давлатлар ажралиб чиқа бошлиди. 756 йилда ёқ илк мустақил давлат Андалусияда умавий шаҳзода Абдураҳмон ибн Муовия (756–788) томонидан барпо этилди. Шундан сўнг 758 йилда маркази Сижилмоса шаҳри бўлган хорижийларнинг Мидрорийлар давлати, 777 йилда Жазоир ғарбида яна бир хорижийларнинг Рустамийлар давлати, 788 йилда эса Фас (Мароқаш)да зайдий шиалардан бўлган идрисийлар давлати юзага келди. Мағриб ҳудудида шу тариқа маълум мазҳаб асосидаги давлатлар қарор топар экан, Тунисда ағлабийлар (800–909), Хурросон ва Мовароуннахрда эса, тоҳирийлар (821–873) ва сомонийлар (865–999) хонадони ўз мустақил давлатларини куришга муваффақ бўлди. Кейинги асрларда бундай давлатлар сони янада ортиб борди.

**Аннотация.** Ушбу мақолада VIII–IX асрларда аббосийлар давлатидаги ижтимоий-маданий мұхит ҳақында сүз жоритилади. Мәдениет, милодий 750 йилда аббосийлар умавийлар устидан ғалаба қозониб, ҳокимиятни әгаллаган ва пойтахти Багдод бұлған янги давлатга ассо болған. Мазқур давлат 1258 йилгача мавжуд бұлған бұлса-да, унинг ассоий ривожланиши даври айнан VIII–IX асрларга тұрағы келади. Бу даврда Абу Жа'фар Мансур, Ҳарун ар-Рашид, Ма'мун каби ҳукмдорлар ижтимоий-сүесій ва илмий-маданий мұхит барқарорлығын жүйліда бир қатор табділларни амалға оширилділар ва бу борада күплаб ютуқлар құлға кирилліді. Мақолада аббосийлар давлатининг ташкил топшыши ва ривожланиши, мазқур жараёнда рүй берган тарихий воқеа-ходисалар, бармакийлар ва түркій қабилаларнинг Багдод халифалигінде тұттанған үрні каби масалаларға тұхтаб үтилған. Шунингдек, аббосийлар даврининг ўзига хос ҳусусиятлари қаториді, бу даврда мавжуд бұлған ақыдавий мазхаблар, жұмладан, мұтазилийлар ва уларнинг "халқ ал-Күръон" фитнаси, ахли сұнна олимларнинг мазқур фитнага муносабаты тақылған қылнған. Мазқур даврда шаҳарларнинг ривожланиши, айниңса, Багдоднинг мусулман оламидагы иирик илм-фан марказында айланышы, Байтул-хикма академиясы ва у ерда олиб борилған таржима ва илмий табдікіштілар үрганилған. Шу билан биргә, VIII–IX асрларда яшаб ижод қылған мусулман олимлар ва уларнинг илм-фан ривожсига құшынан ҳиссаси очиб берилған.

**Калит сұздар:** аббосийлар, Багдод, халифалик, Бармак оиласы, түркій қабилалар, Самарро, ахли сұнна, мұтазила, халқ ал-Күръон, міхна, Байтул-хикма.

**Abstract.** This article discusses the socio-cultural environment in the Abbasid state in the VIII–IX centuries. It is known that in 750 the Abbasids won over the Umayyads, took power in the Muslim world and founded a new state with Baghdad as its capital. Although this state lived until 1258, its main period of development corresponds to the VIII–IX centuries. During this period, rulers such as Abu Ja'far Mansur, Harun al-Rashid, Ma'mun implemented a number of measures to stabilize the socio-political and scientific-cultural environment, and many achievements were gained in this regard. The article focuses on issues such as the establishment and development of the Abbasid state, the historical events that took place in this process, and the role of the Barmakis and Turkic tribes in the Caliphate of Baghdad. Among the distinctive features of the first Abbasid era, the ideological sects that prevailed in this period, the Mu'tazilites and their "Khalq al-Qur'an" sedition, and the attitude of Sunni scholars to this sedition were analyzed. During this period, the development of cities, in particular, the transformation of Baghdad into a major center of science in the Muslim world, the academy of House of Wisdom and the translation and scientific research carried out there are studied. At the same time, Muslim scholars who lived and worked in the VIII–IX centuries and their contribution to the development of science were revealed.

**Keywords:** Abbasids, Baghdad, caliphate, Barmak family, Turkic tribes, Samarra, Ahl al-Sunna, Mu'tazila, Khalq al-Qur'an, Mihna, House of Wisdom.

**Аннотация.** В данной статье говорится о социокультурной среде в государстве Аббасидов в VIII–IX веках. Известно, что в 750 г. н.э. Аббасиды победили Омейядов, захватили власть и основали новое государство со столицей в Багдаде. Хотя это государство просуществовало до 1258 г., основной период его развития приходится на VIII–IX вв. В этот период такие правители, как Абу Джраф Мансур, Харун ар-Рашид, Мамун, осуществляли ряд мер по стабилизации общественно-политической и научно-культурной среды, и в этом отношении было достигнуто немало достижений. В статье рассматриваются такие вопросы, как становление и развитие государства Аббасидов, исторические события, происходившие в ходе этого процесса, роль бармаков и тюркских племен в составе Багдадского халифата. Также среди отличительных черт аббасидского периода были проанализированы существовавшие в этот период догматические sectы, в том числе мутазилиты и их заговор о «созданности Корана», и отношение ученых-суннитов к этому заговору. Изучается развитие городов в этот период, особенно превращение Багдада в крупный центр науки в мусульманском мире, Байтул-хикма, проводимые там переводы и научные исследования. При этом, в статье раскрывается вклад в развитие науки мусульманских ученые, живших и работавших в VIII–IX веках.

**Ключевые слова:** Аббасиды, Багдад, халифат, род Бармак, тюркские племена, Самарра, Ахлю Сунна, мутазилиты, народ Коран, міхна, Байтул-хикма.

## АСОСИЙ ҚИСМ

VIII–IX асрларда аббосийлар давлати таркибидеги худудларда яшөвчи ахоли күп динли, күп миллатли ва түрлі тилларда сүзлашадынан халқтардан таркиб топған эди. Мусулмон ахоли

араблар, барбарлар, форслар, хиндлар, түркій қабила вакиллари, қыбитийлар ва занжийлар каби түрли халқтарни ўз ичига олған. Умавийлар вактида юзага келған араб-маволий айирмачилиги мазқур даврда ҳам давом этди. Шу билан биргә, аббосийлар ҳокимиятта келгач, маволийнинг ахволи яхши

томонга ўзгарди, ҳатто баъзи соҳаларда (масалан, илм-фанда) араблар маволийдан ортда қолиб кетишиди (Ҳакки Турсун Йилдиз, 1988).

Давлатнинг ташкил топиш даврида форслар ва хурсонликларнинг нуфузи жуда баланд эди. Ҳорун ар-Рашид вафотидан сўнг унинг ўғиллари Амин ва Маъмун ўртасидаги курашда форс ва туркий халқларнинг таъсири арабларнинг бошқарувдаги нуфузига путур етказди. Маъмун туркий қабила вакилларини араблардан ҳам, эронликлардан ҳам афзал кўрди. Бироқ қўшиннинг тамоман туркийлаштирилиши халифа Мўътасим замонида амалга ошди. Туркий қабила вакиллари аста-секин идора ишларида ҳам ўз таъсиirlарини кучайтириб бордилар. Аббосийлар тарихида мазкур давр ҳақли равишда “Биринчи турк асри” дея номланади. Идора ва қўшинда туркий қабила вакиллари таъсирининг бу қадар кучайиши келгусида араблар орасида туркийларга қарши реакция юзага чиқишига замин ҳозирлади.

Жамиятнинг қолган қисмини ташкил қилган ғайридинлар орасида насронийлар, яхудийлар, мажусийлар, буддавийлар, хиндуийлар каби тоифалар мавжуд эди. Аҳолининг маълум қисми мазкур динларга эътиқод қилувчилардан иборат бўлган.

Бу вақтда ислом оламидаги мусулмонлар турли мазҳаб ва оқимларга бўлиниб кетган эдилар. Аҳли сунна ва шия йўналишлари билан бир қаторда, хорижийлик, мўътазилийлик, қадарийлик, жабарийлик каби турли мазҳаблар фаолият юритар эди.

Мусулмон умматининг аксар қисмини ўзида бирлаштирган аҳли суннанинг шаклланишида аввалига Ҳасан Басрий (ваф. 110/728), кейин эса, Абу Ҳанифа (ваф. 150/767) каби улуғ олимларнинг хизмати катта бўлди. Абу Ҳанифа ўзининг ақидавий қарашларида бидъат аҳлига қарши илоҳий сифатлар, қадар ва шафоат, Қуръоннинг махлуқ эмаслиги, бандаларнинг феъллари Аллоҳ тарафидан яратилиши, гуноҳи кабира содир этган кишининг мўмин ҳисобланиши каби муҳим ақидавий қарашларни химоя қилди. Ундан сўнг Имом Молик (179/795) ўз илмий фаолияти билан Аҳли сунна химоясида давом этди. Кейинчалик Имом Шофей (ваф. 204/820) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855) Аҳли сунна таълимотини химоя қилиб, сунний имомлар сифатида шуҳрат қозондилар. Кейинроқ ботил фирмалар ва фалсафий оқимларнинг кучайиши натижасида мутакаллим олимлар муташобеҳ матнларни қай-

тадан кўриб чиқиб, тадқиқ этиш ва имон асосларини ақлий далиллар билан дастаклашга интилдилар. Мазкур жараёнлар хижрий IV асрга келиб, Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) ва Абул Ҳасан Ашъарий (ваф. 324/936) раҳнамолигида Аҳли суннанинг икки йирик калом мактаби ташкил топишига олиб келди.

Аҳли суннадан ташқаридаги фирмалар орасида шиалик оқимининг таъсири нисбатан кучли эди. Бу даврга келиб, турли қарашлардаги шиалик оқимлари пайдо бўлди. Шиаларнинг аҳли суннага энг яқин тоифаси саналган зайдийликнинг асосчиси Имом Зайд 122/740 йилда умавийларга карши исён кўтарган бўлса-да, мұваффакият қозона олмади. Сиёсий фаолиятлари учун Куфа ва Хурсонни марказ қилиб олган зайдийлар аббосий халифалардан Мансур (754–775) даврида қайта исён бошладилар, бироқ яна мағлуб бўлдилар. Шундан сўнг уларнинг етакчиси Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан Мағриб ҳудудида қўним топиб, 789 йилда Фасда ўз номи билан аталган идрисийлар давлатига асос солди. “Имомийлик” ёки “исно ашъарийлик” шиалари ўзларига Жаъфари Содикни, ундан кейин эса, ўғли Мусо Козимни имом деб қабул қилишган. Халифа Маъмун замонида аббосий-алавий ихтилофини ўртадан кўтариш учун баъзи қадамлар ташланган бўлса-да (хусусан, Маъмуннинг ўзидан кейин Али Ризони валиаҳд деб эълон қилиши), булардан бирор натижа чиқмаган. Шундан сўнг имомийлик шиалари сиёсий ҳаётда у қадар ҳам кўзга ташланишмаган, 874 йилда охирги имом Мухаммад Маҳдийнинг ғойиб бўлиши билан ҳамон давом этаётган “ғойиблик даври” бошланган. Жаъфар Содикдан кейин имомат унинг Исмоил исмли ўғли тарафидан давом этганлигини илгари сурган “исмоилийлик” тоифаси кейинроқ анча фаоллашган ва ниҳоят, 910 йилда Шимолий Африқада фотимиийлар давлатини куришга мұваффақ бўлган (Мустафо Ўз, 2010).

Умавийлар даврида Куфа, Хурсон ва Шимолий Африқада фаоллашиб, турли қон тўқилишларга сабаб бўлган хорижийлар вақт ўтиши билан майда гурухларга ажralиб кетган. Ўзига хос мутаассиб қарашлари билан ажralиб турган хорижийлик илк аббосийлар даврида сиёсий мухолифат нуқтаи назаридан умавийлар даврига нисбатан кучсизроқ ҳаракат сифатида намоён бўлди (Адҳам Руҳи Фиглали, 1997). Мўътазила фирмаси эса, айнан аббосийлар даврида анча фаоллашди. Уларнинг кучайишида бевосита аб-

босий халифаларнинг роли катта бўлган (Муҳаммад Абу Захра, 1971). Мўътазилийларнинг гуркираган даври Маъмун (813–833) замонига тўғри келади. Маъмун ҳокимиятга келгач, улар билан алоқасини янада кучайтирган. Мўътазилийлардан вазирлар, қозилар тайинлаган. Мўътазилийлик таъсирининг кучайиши ахли сунна олимларининг тазиикә учрашига сабаб бўлган. Басра ва Бағдод мўътазилийлари номли икки мактаб пайдо бўлган бу даврда мўътазиланинг Жоҳиз (ваф. 255/869), Наззом (ваф. 221/836) ва Бишр ибн Мўътамир (ваф. 210/825) каби йирик олимлари ижод қилган. Бу даврда муржия тоифаси ҳам жамиятда ўз таъсирига эга бўлган. Аббосийлар ҳокимиятни эгаллаш жараёнида шиа ва хорижийларга қарши муржиийларни қўллаб-кувватлаганлар. Дарҳақиқат, Хуросон диёрида бир қатор лавозимлар муржия вакилларига берилган. Миҳна (“халқ ал-Куръон” фитнаси) замонида муржиийлар давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаганлари учун Хуросон баробарида Бағдод ва Мовароуннаҳрда ҳам мўътазила билан айни мақомда туришган. Яна бир тоифа жабарийлик бўлиб, унинг тарафдорлари инсонларнинг амали Аллоҳ тарафидан яратилиши, инсонлар том маънода бирор феълни рӯёбга чиқаришга қодир эмасликлари, шу сабабдан жабр остида эканликларини ҳимоя қилган. Ушбу мазҳаб тобора заифлашиб борган бўлса-да, илк аббосийлар даврида ҳам маълум маънода тарафдорлари мавжуд эди. Бироқ бу даврда жабарийликнинг зидди бўлган, феълларнинг факатгина инсон иродаси билан рӯёбга чиқишини илгари сурган қадарийлик тоифаси кўпроқ намоён бўлди. Қадарийлар кейинчалик мўътазилийликнинг ичига сингиб кетганлар (Муҳаммад Абу Захра, 1971).

## НАТИЖА

Фирқалар ўртасидаги фикрлар қарама-қаршилиги ижтимоий ва илмий ҳётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Халифалик мададига таянган мўътазилийлик олимлари бошлаган “халқ ал-Куръон” – (Куръоннинг яратиганлиги) фитнаси кўплаб ахли сунна олимларини ўз домига тортди. Мазкур фитна ислом тарихида “миҳна ҳаракати” номи билан машҳур бўлди. “Миҳна” сўзи “сўроққа тутиб озор бериш” деган маънони билдиради. Илк аббосий халифалар даврида баъзи олимларни “Куръоннинг махлуқ-

лиги” бўйича сўроққа тутиб, улардан бир қисмiga озор бериш билан боғлиқ давлат сиёсати “миҳна” деб аталган. “Миҳна” ҳодисаси аббосий халифалардан Маъмун даврида бошланган. Халифа 833 йилнинг баҳорида Бағдод волийси Исҳоқ ибн Иброҳимга ёзган мактубида қозиларни ва Абдурраҳмон ибн Юнус, Яхё ибн Маин, Зухайр ибн Ҳарб каби пешқадам муҳаддис олимларни илк бор Дамашқда Жаъд ибн Диরҳам тарафидан илгари сурилган “Куръоннинг махлуқлиги” (халқ ал-Куръон) масаласида сўроққа тутишни, уларнинг бу борадаги қарашларини ўзига билдиришларини буюрган. Шунингдек, Куръоннинг махлуқ эканини қабул қилмаган олимларга расмий вазифалар берилмаслиги ва гувоҳликлари қабул қилинмаслигини эълон қилган. Қози ва олимларнинг кўпчилиги халифанинг истагига мувофиқ жавоб бергач, ўртада бирор муаммо келиб чиқмаган. Бироқ Маъмун иккинчи бор мактуб ёзиб, Аффон ибн Муслим, Али ибн Мадоиний, Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Саъд, Кутайба ибн Саид, Язид ибн Ҳорун, Убайдуллоҳ Қаворирий, Ҳасан ибн Ҳаммод Сажжода, Ибн Улайя, Муҳаммад ибн Нуҳ каби нуфузли олимларни сўроққа тутишни буюрган. Уларнинг аксар қисми, “қутилган жавоб”ни бериб, ҳаётини таҳлиқадан сақлаб қолган. Бироқ Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Нуҳ, Убайдуллоҳ Қаворирий ва Ҳасан ибн Ҳаммод Сажжода Қуръонни махлуқ дейишга рози бўлишмаган. Уларни занжирбанд қилиб, қайта сўрок қилишган. Ўтказилган тазииклар натижасида Қаворирий ва Сажжодалар таслим бўлишган. Аммо Аҳмад ибн Ҳанбал ва Муҳаммад ибн Нуҳ ўз сўзларида қатъий туришган. Бу икки олимни ҳибсга олиб, Маъмуннинг хузурига – Тарсус шаҳрига юборишиган. Лекин Маъмуннинг вафоти туфайли уларни ортга – Бағдодга қайтариб жўнатишган. Муҳаммад ибн Нуҳ йўлда вафот этган. Бағдодга келтирилгач, қамоққа ташланган Аҳмад ибн Ҳанбал эса, кейинги халифа Мўътасим Биллоҳ (833–842) даврида халқнинг норозилиги сабаб озодликка чиқарилган.

“Миҳна” сиёсати факатгина Бағдод билан чегараланиб қолмай, Миср, Куфа, Басра, Дамашқ ва Мадина шаҳарларида ҳам жорий қилинган. Бу сиёсат халифа Мўътасим (833–842) ва Восиқ (842–847)лар даврида ҳам бироз юмшаган ҳолда давом этган. Ниҳоят, 849 йилда халифа Мутаваккил (847–861) “халқ ал-Куръон” баҳсларини тақиқлаши билан ушбу фитна якун топган.

## МУҲОКАМА

Бу каби салбий ҳодисаларга қарамай, аббосийлар даврида илм-фан ривожланиб борди ва ислом оламида биринчи Ренессанс рўй берди. Уйғониш даврининг маркази эса, албатта, шаҳарлар эди. Бу даврда шаҳарлар илм-фан ва маданиятнинг иирик марказига айланди (Хайдардин Южесой, 2005). Жумладан, Бағдод, Басра, Куфа, Макка, Мадина, Қайравон, Қуртуба, Марв, Балх, Бухоро шулар қаторида эди.

Мазкур шаҳарлар орасида Бағдод алоҳида аҳамиятга эга. Бағдод шаҳрининг қурилиши 762 йилда халифа Мансур буйруғи билан бошланди. Шаҳар қурилишида 100 мингга яқин уста ва ишчилар иштирок этди. Шаҳарнинг дастлабки номи “Мадинату-с-Салом” – مدینة السلام (Тинчлик шахри) эди (Bahriye Üçok, 1968: 83). Кейинчалик “Бағдод” номи билан машҳур бўлди. Шаҳар 766 йилда жами 4 миллион 883 минг дирҳам эвазига куриб битказилди. Йиллар ўтгани сари шаҳардаги сарой, мусофирихона, ҳаммом, масжид, чорсу ва карvonсаройларнинг сони ортиб борди. Теваракатрофдаги ҳалқ шаҳарга оқиб кела бошлади. Шоирлар эса, Бағдодни гўзалликда жаннатга ўхшатиб, унга атаб мадҳиялар ёздилар.

Афсуски, Бағдод шаҳри ака-ука Амин ва Маъмунлар ўртасидаги таҳт учун кураш ва ўн тўрт ой давом этган қамалдан катта зарап кўрди. Шаҳардаги ушбу парокандалик Маъмуннинг Марвдан қайтишига қадар (819 йилгача) давом этди. Маъмун шаҳарни қайтадан обод қилишга киришди. Бироқ кейинроқ шаҳар аҳолисининг тобора ортиб бориши сабабли янги келган туркий ҳарбийларга нисбатан норозиликлар авж олди. Натижада халифа Мўътасим янги пойтаҳт – Самарро шаҳрини қурдиришга мажбур бўлди. Самарро пойтаҳт бўлган вақтларда (836–892) ҳам Бағдод ўзининг маданий ва иқтисодий марказ мақомини сақлаб қолди.

Умуман олганда, аббосийлар даврида Бағдод иирик илм-фан, маданият ва таржима марказига айланди. Ҳанафий ва ҳанбалий мазҳаблари шу ерда ривожланди. Ўша даврларда масжидлар, айниқса, Мансур масжиди иирик таълим маркази ҳисбланган. Шаҳарда китоб дўконлари ва кутубхоналарнинг кўп бўлгани у ердаги илмий-маданий юксалишга далолат қиласи. Шаҳарда турли соҳа олимлари, шоирлар ва тарихчилар жуда кўп эди (Kadir Kan, 2010).

Бағдоддаги энг иирик илмий муассаса Байтул-ҳикма – بیت الحکمة (Донишмандлар уйи)

академияси бўлиб, у ўрта асрлар ислом илмифани ва маданиятида юксак савиядаги илмий тадқиқотлар ва таржималар амалга оширилган марказ эди. Байтул-ҳикманинг пойдевори Мансур ва Ҳорун ар-Рашидлар даврида кўйилган бўлса, Маъмун даврига келиб, бу муассаса чинакам академияга айланди.

Ислом олами кенгайиб, мусулмонларнинг юонон, форс, ҳинд ва бошқа маданиятлар билан алоқага киришишлари натижасида уларда мазкур маданиятларга нисбатан катта қизиқиш пайдо бўлди. Шунингдек, улар билан бўладиган баҳс ва мунозараларда мусулмонлар ўз ақида ва таълимотларини ҳимоя қила олиш учун мазкур маданиятларни яхшилаб ўрганишлари лозим эди. Шунга ўхшаш сабаблар туфайли антик дунёнинг маълум илмий ва фалсафий асарларини араб тилига таржима қилиш эҳтиёжи туғилди.

Аббосий халифаларидан бўлган Мансур бу борада фаоллик кўрсатиб, таржима ишларининг илдамлашишига туртки берди. У диний илмлар баробарида мантиқ, фалсафа, математика, геометрия, астрономия ва бошқа амалий фанларга ҳам катта эътибор қаратди. Шу сабабдан у асли эронлик бўлган Абдуллоҳ ибн Муқаффога Арастунинг “Органон” номли мантиқ куллиётининг ilk уч китоби, Порфирийнинг “Исоғужий”сини ва “Калила ва Димна” асарини (форсчадан арабчага) таржима қилдирди. Шунингдек, мазкур даврда бир ҳинд сайёхи олиб келган математика ва астрономияга оид иккита китоб таржима қилинди ва шу тариқа ҳинд рақамлари ислом маданиятига кириб келди. Таржималар орасида астрономияга оид китоб “Синд-Ҳинд” номи билан, Птолемейнинг “Синтаксис” асари “ал-Мажистий” номи билан, Евклиднинг “Геометрия”си эса “Усул ал-ҳандаса” номи билан машҳур бўлди. Халифа Мансур адабиёт ва диний илмларга оид асарлар билан бирга амалий илмлар бўйича юонон, сурёний, санскрит ва форс тилларидан таржима қилинган китоблар учун саройда янги кутубхона қурдирди ва унга “Хизонат ал-ҳикма” номи берилди (Kadir Kan, 2010:219–221).

Ҳорун ар-Рашид даврида ҳам илмий фаoliyatlар айни шу шаклда давом этди. Ҳусусан, Анқара ва Аммурия фатҳ этилгач, бу ерларда кўлга киритилган китоблар Бағдодга олиб келинди ва Юҳанно ибн Мосавайҳ томонидан араб тилига таржима қилинди. Айни пайтда асли балхлик бўлган Абу Саҳл ибн Навбаҳт ҳам Ҳорун ар-Рашиднинг буйруғи билан бир қатор китобларни

форс тилидан таржима қилди. Ёзилган ва таржима қилинган асарлар “Хизонат ал-хикма”га сиғмайдиган даражада кўпайгач, саройда кутубхона учун янада кенгроқ жой ажратилди ва у “Байтул-хикма” номини олди.

“Байтул-хикма”ни янада кенгайтириб, уни ўрта асрлар академияси мақомига олиб чиқкан шахс халифа Маъмун эди. У 830 йилда, византияларларга карши муваффакиятли сафардан қайтиш пайтида, ўзи билан Бағдодга жуда кўплаб китоблар олиб келган. Қолаверса, кутубхонани кенгайтириш учун катта миқдорда маблағ ажратган. Таркибида кутубхона мудири ҳам бўлган бир ҳайъатни Византияга жўнатиб, императордан мазкур ҳайъат унинг кутубхонасидан танлаб оладиган китобларни Бағдодга юборишини илтимос қилган. Шундай қилиб, Византия ва дунёнинг турли ўлкаларидан келтирилган ҳамда мусулмон олимлар тарафидан таълиф этилган китоблар билан Байтул-хикма ўрта асрларнинг энг ийрик кутубхонаси жойлашган, юксак тадқиқотлар амалга ошириладиган ийрик илмий марказга айланди.

Байтул-хикма сарой худудида жойлашган. Бу ерда китоблар сақланадиган хужралар, муаллиф, мутаржим, котиб, мустансих ва мужаллидлар учун ажратилган хоналар, шунингдек, ўкиш зали ҳам мавжуд бўлган.

Бағдоддан ташқари, халифаликнинг марказий қисмларида жойлашган Басра, Куфа, Макка, Мадина, Дамашқ, Кохира шаҳарлари бу даврда ҳам илм-фан маркази вазифасини бажаришда давом этарди.

Ҳазрат Умар даврида бунёд этилган Басра умавийлар ва аббосийлар даврида ҳам муҳим илмий-маданий марказлардан бири бўлиб қолди. Умавийлар даврида яшаган Ҳасан Басрий етиштирган талабалар ислом илмларида янги йўналишларга асос солдилар. Бу орада “тадвін” (ёзиб олиш) харакати ривожланиб борди. Калом, фиқҳ, ҳадис, тарих, араб тили ва адабиёти каби соҳаларда жуда кўплаб асарлар ёзилди. Мазкур даврда Басрада яшаб ижод қилган олимлар қаторида Маъмар ибн Рошид (ваф. 153/770), Саид ибн Аруба (ваф. 156/773), Шўъба ибн Ҳажжож (ваф. 160/776), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783–84) ва Абу Авона (ваф. 176/792) кабиларни санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, VIII асрдан бошлаб Басрадан араб тили грамматикаси қоидаларини ишлаб чиқкан басрийюн (البصرىون) номини олган тилшунос олимлар етишиб чиқди. Басрада араб адабиёти ҳам ривожланди. Жоҳиз (ваф. 255/869)

ўзининг бу йўналишдаги кимматли асарлари билан мазкур даврнинг атоқли намояндаларидан бирига айланди. “Файласуф ал-араб” (араблар файласуфи) унвонини олган Киндий (ваф. 260/873) ҳам айни даврда Басрадан етишиб чиқкан эди.

Ҳазрат Умар даврида Саъд ибн Абу Ваққос томонидан қурилган Куфа шаҳри эса, Бағдод қурилгунга қадар аббосийлар давлатининг пойтахти вазифасини бажарган. Бу ерда ислом илмлари Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Али ибн Абу Толиб каби саҳобалар орқали тарқалган эди. Умавийлар ва улардан кейинги даврларда ҳам ушбу шаҳар муҳим сиёсий ва илмий-маданий жаҳаёнлар гувоҳига айланди. Куфадан тафсир ва ҳадис, фиқҳ, қироат, тарих, араб тили бир қатор илмларда пешқадам олимлар етишиб чиқсан. Турли илмлар бўйича Куфа мактаблари шаклланган. Булардан энг муҳими, фиқҳ бўйича VIII асрда Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари асос солган Аҳли раъй (أهل الرأي) мактаби эди.

Макка шаҳри бу даврда ҳам ислом оламининг энг муҳим илмий-маданий марказларидан бири бўлган. Ҳаж маросимлари ислом дунёсининг турли тарафларидан келган олимлар учун учрашув жойи бўлиб, бунга боғлиқ ҳолда шаҳардаги илмий ҳаёт ҳаж асносида янада жонланиб кетарди. Бу ерда Абдуллоҳ ибн Аббос асос солган тафсир мактаби ҳали ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган эди. Тил ва ҳадис илмларида ҳам Макканинг ўрни кучли бўлган. Маккадаги илмий муҳит барқарорлигига “Масжидул Ҳаром”да ташкил қилинган илм халқалари, ўзга юртлардан келиб, шаҳарга жойлашган олимлар, работлар ва кутубхоналар муҳим рол ўйнаган.

Ҳижратдан сўнг қисқа фурсатда ривожланиб, ислом оламининг энг муҳим маданий марказига айланган Мадина шаҳри аббосийлар даврида ҳам ушбу мақомини сақлаб қола олди. Мадина халқининг урф-одатлари Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатлари сифатида қабул қилиниб, энг дақиқ жиҳатларига қадар ўрганилган. Мазкур шаҳарда исломнинг илк даврларида бошланган илмий-маданий жонланиш мусулмон оламининг бошқа худудларида яшаган олимлар ва толиби илмларни ҳам ўзига жалб этди. Убай ибн Каъб томонидан асос солинган Мадина тафсир мактаби Абул Олия Риёҳий, Мухаммад ибн Каъб Қуразий ва Зайд ибн Ашлам Адавий каби олимлар фаолияти билан янада ривож топди. Мадина аҳлининг амалларига алоҳида аҳамият қаратган мадиналик фақиҳлар, хусусан, “ал-фуқаҳо ас-сабъа” (الفقهاء السبعة) “амали аҳли Мадина” (Мадина

аҳлининг амали) атамасининг ислом хуқуқ методологиясига киришига замин ҳозирлаган. Ислом тарихнавислигига эса, икки йирик мактабдан бири Мадинада (иккинчиси Ироқда) юзага келган. Кейинчалик таълиф этиладиган сийрат китобларидағы маълумотларнинг аксар қисми мадиналик ровийлардан олинган.

Шарқда Куфа, Басра, Макка, Мадина ва айниқса, Бағдод каби шаҳарлар ислом ренесансининг бош марказлари сифатида танилар экан, Ғарбда Қайравон, Тоҳарт ва Қуртуба шаҳарлари ҳам юксалиб борди. Уларнинг ичида Қайравон шахри Андалус, Мағриб ва Сицилиядан келган толиби илмлар учун Бағдод, Макка ва Мадинадан аввал тўхтаб ўтиладиган илмий бекатга айланган эди. Хорижийлардан бўлган рустамийларнинг пойтахти Тоҳарт эса араб, барбар, форс қабилалари ҳамда хорижий, сунний ва мўътазилий гурухларни ўзига жалб этди. Бу шаҳар ахолисининг кўплиги ва бой маданияти билан “Мағриб Ироқи” номини олди. Ўша даврда шаҳардаги “Маъсума кутубхонаси”да жамланган китоблар сони 300 мингга етгани таъкидланади. Қуртуба эса, Андалуснинг пойтахти сифатида Европанинг энг тараққий топган шахри ҳисобланган. Бу шаҳар кейинчалик барча европаликлар илм талабида ташриф буюрадиган йирик илм-фан марказига айланди. Ислом оламининг шарқий қисмида эса, Марв, Балх, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари илм-фан ва маданият марказлари вазифасини бажара бошлаган эди.

Биринчи аббосийлар даврида кўплаб мусаниниф олимлар етишиб чиққан. Ҳижрий II аср ўрталаридан бошланган тадвин даврининг илк намояндаси Ибн Шихоб Зухрий (ваф. 124/742) эди. Зухрийдан сўнг мусаннаф, жомеъ ва сунан номли турли китоблар кўпайиб борди. Бу давр тасниф фаолияти Басрада Ибн Субайх (ваф. 160/777), Ибн Абу Аруба (ваф. 156/773), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/784); Қуфада Суфён Саврий (ваф. 161/778), Валид ибн Муслим (ваф. 195/810); Яманда Маъмар ибн Рошид (ваф. 153/770), Абдураззоқ ибн Ҳаммом (ваф. 211/827); Маккада Ибн Журайж (ваф. 150/768) ва Суфён ибн Уййана (ваф. 198/814); Марвда Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797); Воситда Ҳушайм ибн Башир (ваф. 183/799) каби олимлар ижоди билан бойиди. Кейинги давр мусанинифлари қаторида Ибн Абу Шайба (ваф. 235/850), Имом Бухорий (ваф. 256/870), Имом Муслим (ваф. 261/875), Ибн Можа (ваф. 273/887), Абу Довуд (ваф. 275/889), Имом

Термизий (ваф. 279/893) ва Имом Насоий (ваф. 303/916) йирик таснифотларни амалга оширдилар. Ҳадис бобидаги энг ишончли “Олти китоб” (الكتب السبع) мазкур олимлар тарафидан ёзилди.

### ХУЛОСА

Айтиш мумкинки, ислом тарихида беш аср давом этган аббосийлар даврининг энг тараққий топган босқичи VIII–IX асрларга тўғри келади. Мазкур давр кўплаб ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар рўй бергани билан ажralиб туради. Бу даврдаги халифалар кейинги давомчиларидан фарқли ўлароқ, ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Айни пайтда, ислом оламининг турли минтақаларида илк бор халифалиқдан ажralиб чиққан мустақил давлатлар юзага кела бошлаган. Аббосийлар даврида мусулмон оламида кўплаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар содир бўлган. Улар орасида “Михна” ҳаракатини кучли таъсирга эга бўлган ҳодиса сифатида қайд этиш мумкин. “Михна” даврида мўътазилийларнинг таъсири кучайиб, улар маълум муддат аббосийлар давлатида юксак мавқега эришганлар. Аҳли сунна олимлари ушбу жараёнда “халқ ал-Қуръон” масаласида сўроққа тутилганлар. Шу каби ҳолатларга қарамай, Абу Жаъфар Мансур, Ҳорун ар-Рашид ва Маъмун каби аббосий халифалар ҳомийлиги остида илм-фан ва маданий соҳада бир қатор ютуқларга эришилган. Ҳадис, фикҳ, тарих илмлари бўйича мўтабар манбалар мазкур даврда яшаган олимлар томонидан таълиф этилган. Бағдодда “Байтул-ҳикма” академиясига асос солиниб, юонон, ҳинд ва форс тилларидаги кўплаб асарлар араб тилига таржима қилинган. Шаҳарлар ислом маданиятининг марказлари сифатида тараққий этган. Ҳулоса қилиб айтганда, аббосийлар даври, хусусан, ушбу сулола ҳукмронлигининг илк даврини ўрганиш ислом тарихи ва маданиятининг муҳим жиҳатларини очиб беришда муҳим роль ўйнайди.

### МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bahriye Üçok. (1968). Emeviler-Abbasiler. Ankara: Sevinç Matbaası.
2. Hayreddin Karaman. (1975). Başlangıçtan zamanımıza kadar İslâm hukuk tarihi. İstanbul: İrfan Yayınevi.
3. Kadir Kan. (2010). Abbâsîlerin Birinci Asrında Bağdat. Bursa.
4. Адҳам Рухи Фиглали. (1997). Хорижийлар // ТДВ энциклопедияси. Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти.

5. Ибн Исхок. (1976). Ас-Сийра. Дамашк: Дор ал-фирк.
6. Ибн Касир. (2015). ал-Бидоя ва-н-нихоя. Байрут: Дору Ибн Касир.
7. Ибн Надим. (1997). ал-Фехрист. Байрут: Дор ал-маърифа.
8. Иләс Чалабий. (2020). Мўътазила // ТДВ энциклопедияси. Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти.
9. Муаллифлар гурухи. (2007). ал-Мавсу'а ал-мuyassara fi-t-tarikh al-Islamiy. Қохира: Muaccasatu Ikro.
10. Мустафо Ўз. (2010). Шиа // ТДВ энциклопедияси. Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти.
11. Мухаммад Абу Захра. (1971). Tarikh al-mazahib al-Islamiyya. Қохира: Дор ал-фирк ал-арабий.
12. Сўнмаз Кутлу. (2018). Туркларнинг исломлашуви жараённида муржия ва унинг таъсири. Анкара.
13. Ҳайдардин Южесой. (2005). Михна // ТДВ энциклопедияси. Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти.
14. Ҳакки Турсун Йилдиз. (1988). Аббосийлар // ТДВ энциклопедияси. Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти.
15. Ҳусайн Мунис. (1983). ат-Тарих va-l-muarrihu. Байрут: Дорун наҳда ал-арабийа.
16. Ҳусайн Нассор. (1980). Нашъату at-tadvin at-tarixiy inda-l-arab. Байрут: Маншурот Икро.
17. Шихобиддин Сафадий. (2001). ал-Воғий фи-л-вафаёт // Таҳқик: Ахмад Арнавут. Байрут.
18. Шокир Мустафо. (1983). ат-Тарих ал-арабий va-l-muarrihu. Байрут: Дор ал-ilm ал-малайин.
19. Яъқубий. (1422). Kitab al-Buldan. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyyah.
20. Sonmaz Qutlu. (2018). Murji and its influence in the process of Islamization of Turks. Ankara.
21. Hayreddin Yujesoy. (2005). Mihna // Encyclopedia of TDV. Istanbul: Diyanet Foundation Publishing House.
22. Haqqi Tursun Yildiz. (1988). Abbasids // TDV encyclopedia. Istanbul: Diyanet Foundation Publishing House.
23. Hussein Munis. (1983). al-Tarikh wal-muarrihun. Beirut: Darun nahda al-arabiyya.
24. Hussein Nassar. (1980). Nash'atu at-tadwin at-tarikhi 'indal-arab. Beirut: Manshurat Iqra.
25. Shihabiddin Safadi. (2001). al-Wafi fil-wafayat // Tahqiq: Ahmad Arnavut. Beirut.
26. Shakir Mustafa. (1983). al-Tarikh al-arabi wal-muarrihun. Beirut: Dar al-ilm al-malayin.
27. Ya'qubi. (1422). Kitab al-Buldan. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyyah.

## REFERENCES

1. Bahriye Üçok. (1968). Omayyads-Abbasids. Ankara: Sevinç Printing House.
2. Hayreddin Karaman. (1975). History of Islamic law from the beginning to our time. Istanbul: Irfan Yayinevi.
3. Kadir Khan. (2010). Baghdad in the First Century of the Abbasids. Bursa.
4. Adham Ruhi Fighlali. (1997). Kharijites // Encyclopedia of TDV. Istanbul: Diyanet Foundation Publishing House.
5. Ibn Ishaq. (1976). As-Sirah. Damascus: Dar al-Fikr.
6. Ibn Kathir. (2015). al-Bidaya wan-nihaya. Beirut: Daru Ibn Kathir.
7. Ibn Nadim. (1997). al-Fihrist. Beirut: Dar al-Ma'rifa.
8. Ilyas Chalabi. (2020). Mu'tazila // TDV encyclopedia. Istanbul: Diyanet Foundation Publishing House.
9. Raghib Sarjani. (2007). al-Mawsu'a al-muyassara fit-tarikh al-Islami. Cairo: Institution Iqra.
10. Mustafa Oz. (2010). Shia // Encyclopedia of TDV. Istanbul: Diyanet Foundation Publishing House.
11. Muhammad Abu Zahra. (1971). Tarikh al-mazahib al-Islamiyya. Cairo: Dar al-Fikr al-Arabi.

